Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 1-may, payshanba № 54 (3403)

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан

Қорақалпоғистон Республикасида Қўнғирот сода заводидан кейин яна бир йирик лойиҳа – Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши жадал олиб борилмоқда. Сурғил кони негизида бунёд этилаётган мазкур корхона йилига 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Иқтисодий салоҳиятимизнинг улкан намоёни

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 25 апрел куни бу ерда бўлиб, амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий ифодаси бўлган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 4 миллиард АҚШ долларига тенг. Марказий Осиёдаги энг йирик мазкур мажмуа қурилишида айни пайтда 6 минг тўрт юзга яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 3 минг 500 дан зиёди юртимиз мутахассислари, шижоатли ёшлардир.

Мажмуа қурилишида меҳнат қилаётган Жаҳонгир Худойберганов, Шухрат Ёқубов, Тоҳир Қорабоев, Ўктам Остонов сингари ёш мутахассислар кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг ташрифидан жуда руҳландик, — дейди Жаҳонгир Худойберганов. — Биз қураётган йирик корхонанинг мамлакатимиз равнақи учун қўшадиган ҳиссаси ва иқтисодиётимиз тараққиётидаги улуши ҳақида ўйласам, ғурурланиб кетаман. Мен пудратчи «GS Engineering» компанияси томонидан бажарилаётган ишларни назорат қиламан.

Бунёдкорлик ишлари якунлангач, корхонада 2 мингдан зиёд ишчи ва мутахассис меҳнат қилади. Корхона маҳсулоти – полиэтилендан ҳар хил қувурлар, бинокорлик материаллари, турли анжомлар ишлаб чиқарилса, полипропилендан машинасозлик саноатида кенг фойдаланилади.

Юз гектардан ортиқ майдонни эгаллаган мажмуа қурилиши «Hyundai Engineering», «Samsung Engineering», «GS Engineering» компаниялари мутахассислари томонидан амалга оширилмоқда. Бу ерда газдан полиэтилен ажратиб олиш ва полипропилен цехлари ҳамда мажмуани буғ, газ ва сув билан таъминлайдиган тизимлар барпо этилмоқда.

Бепоён Устюрт кенгликларининг асрий сукунатини бузган қудратли техникалар наъраси бир зум тинмайди. Хусусан, корхонага олиб борадиган темир йўл қурилишининг биринчи навбати жадал давом эттирилмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси йўл хўжалиги бошқармаси томонидан тупроқ ишлари бажарилиб, майда шағал-тош тўшалди ва 6,2 километр масофага пўлат излар ётқизилди. Автомобил йўли қурилиши «Жанубгазқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти томонидан олиб борилмоқда. Умумий қиймати 6 миллиард сўмни ташкил этадиган 4,4 километрлик йўлга тупроқ тўшаш ишлари якунланиб, икки ярим километрига асфалт ётқизилди.

Мажмуадан «Оқчалоқ» компрессор станциясига қадар тайёр товар газ қувури, қаттиқ ва маиший чиқиндилар полигони, ташқи техник сув таъминоти, Қўнғирот-Элобод-Оқчалоқ сув қувури, корхона учун сунъий захира сув ҳавзаси сингари муҳим иншоотлар бунёд этилмоқда.

Корхона қурилишида ишлаётганлар учун енгил йиғма конструкцияли икки қаватдан иборат модул уйлар қад ростлади. Айни пайтда бу ерда турар жойлар билан бирга ётоқхона, меҳмонхона, ошхона қурилиши бошлаб юборилган.

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг ёрқин намоёнига айланган мазкур мажмуа қурилишида ишлаётганлар ушбу тарихий жараён — улкан қурилишда иштирок этаётганидан фахрланади. Бу уларга куч-қувват бағишлайди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

НАМАНГАНДА БАЙРАМ НАФАСИ

Мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг катта спорт байрами — «Баркамол авлод — 2014» республика мусобақаларини юксак савияда ўтказиш мақсадида Наманган шаҳрида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.

Шаҳарнинг Бобуршоҳ ҳамда Навоий кўчалари реконструкция қилинаётир. Бош пудратчи — «Ровустон қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти ишчилари кўчаларга асфалт ётқизиш ва таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказмоқда.

Суратларда: кўчаларга асфалт ётқизиш ва таъмирлаш ишлари қизғин паллада.

ЎзА фотомухбири
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар

Соғломлаштириш дастури — амалда

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди узоқ йиллардан бери Корея Республикасининг бир қатор халқаро ташкилот ва нуфузли университетлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Жумладан, ўтган йилда 32 нафар юрак туғма нуқсонли бола Тошкент педиатрия тиббиёт институти кардиохирургия клиникасида муваффақиятли операция қилинди.

Самарали ҳамкорлик

Шунингдек, Корея Республикасининг «Junior Chamber International – JCI» халқаро ёшлар ташкилоти вакиллари ва Ча университети қошидаги Пундан Ча Госпитали малакали шифокорлари республикамизга ташриф буюриб, туғма юрак нуқсони ташхисли беморларни умумий чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишди. Улардан 3 нафари Ин Ха университети госпиталида даволаниб келди.

Ушбу хайрли ишларнинг бардавомлиги ўларок, яқинда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида ушбу госпиталнинг малакали шифокорлари туғма юрак нуқсони ташхисли бемор болаларни кўрикдан ўтказишди. Тиббий кўрик натижаларига кўра, оғир туғма юрак нуқсони бор деб топилганлар Корея Республикаси нуфузли клиникаларида соғломлаштирилади.

Шунингдек, делегация аъзолари Тошкент шаҳридаги Ким Пен Хва номидаги музей, Корея таълим маркази, Корея маданият марказлари Ассоциацияси ва Корея Республикаси элчихонасига ташриф буюришди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ

Ислоҳот одимлари

СОҲА ИСТИҚБОЛИ

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожи аҳоли учун кўплаб қулайликлар яратмоқда. Хусусан, Самарқанд вилоятида ўтган йили аҳоли жон бошига 1 миллион 195 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

Соҳани ривожлантиришнинг 2014-2016 йилларга мўлжалланган ҳудудий манзилли дастурига мувофиқ жорий йилнинг биринчи чорагига мўлжалланган 211 та ўрнига 228 та лойиҳа амалга оширилди. Бу эса 720 нафар кишини иш билан таъминлаш имконини берди.

Шунингдек, ахборот телекоммуникация тизими истиқболини таъминлаш мақсадида 2 та абонентлар терминалларини таъмирлаш шохобчаси, 20 та CDMA-450 мобил алоқа тармоғи, 4 та касб-ҳунар коллежини «Электрон таълим» тармоғига улаш бўлимида ахборот- коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда замонавий электрон алоқа хизматлари ташкил этилади.

— Ургут туманидаги Тахта қорача довони ва «Мингчинор» дам олиш маскани, Самарқанд туманининг «Оҳалик» ва «Миронқул» маҳаллалари, Нуробод туманидаги Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи ва «Нурбулоқ» сиҳатгоҳи, Жомбой туманидаги «Зарафшон» қўриқхонаси, Пахтачи туманидаги Добусия қалъаси атрофида эко, агро ва геотуризм истиқболларини мўлжаллаб режалаштирилаётган ишлар аҳамияти беқиёс, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Акбар Абдусаидов. — Эндиликда касаба уюшмаларига ҳам табиат ва қадриятлар бағрига саёҳатлар уюштириш имкониятлари кенгаймоқда.

Хуллас, манзилли дастур ижроси ҳудудда яна 15,1 минг кишини иш билан банд этишга шароит яратади.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Янгиликлар оқимидан

ЖИЗЗАХ

Мамлакатимиз Президентининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида арнасойлик ёшларнинг бир гуруҳи Жиззах шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналарида бўлиб, улар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

ТААССУРОТЛАР БИР ОЛАМ

Ёшлар ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Жиззахпластекс» ҳамда «Жиззахкентекс» корхоналарида бўлишди. Маҳсулот тайёрлаш жараёни, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш режалари билан батафсил танишдилар.

Мазкур ташриф, айниқса, Арнасой иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиларида катта таассурот қолдирди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

СУРХОНДАРЁ

Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Термиз шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 70 га яқин корхона, ташкилот ва муассасалар 400 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Иштирокчилар ташкил этилган кўргазмалар, маълумотлар билан танишиб, қизиқиши, мутахассислик ва лаёқатларига мос касбни танлаш имкониятига эга бўлди. Улар мутахассислардан бу йил Термиз шаҳрида яратилиши режалаштирилаётган янги иш ўринлари ҳақида ҳам батафсил маълумот олдилар. Бундан ташқари, меҳнат қонунчилиги, ижтимоий муҳофаза масалаларига оид маслаҳат ва тавсиялар берилди.

— Меҳнат ярмаркасида Термиз шаҳрида яшовчи, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежларини тугатаётган ёшлар иштирок этишди, — дейди шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази директори Рустам Аҳмедов.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

«Ўз Донг Янг Ко» қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси «Соғлом бола йили» Давлат дастурини бажаришга алоҳида аҳамият бермоқда.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганларга моддий ёрдам кўрсатилаяпти. Жорий йил 1-чораги давомида корхона томонидан ишчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари харид қилиш учун 51 нафар, уй-жой қурилиши учун 4 нафар ходимга фоизсиз ссудалар берилди.

Шунингдек, илғорлардан 10 нафарини маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси қиймат-баҳо совға ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирлади.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

Матбуот анжумани

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Жамоа шартномалари ва келишувларининг аҳамияти» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда тармоқ ва ҳудудий келишувлар ҳамда иш берувчилар ва касаба уюшма қўмиталари ўртасида имзоланаётган жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

Жамоа шартномалари ва келишувлари

ходимлар манфаатини таъминлашда асос бўлиб хизмат қилаяпти

Анжуманда Федерация Кенгаши масъул ходимлари, касаба уюшма фаоллари ҳамда хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда иқтисодиёти барқарор ривожланаётган демократик ҳуқуқий давлатни, инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият деб тан олинган фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида кенг қамровли ишлар қилинаяпти. Ушбу жараён жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилаётир. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида йилдан-йилга халқимиз турмуш даражаси ва сифати ошиб бормоқда. Бунда Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишувнинг ҳам ўз ўрни бор.

2014-2016 йиллар учун тузилган ушбу Бош келишувга иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, энг кам иш ҳақи Ягона тариф сеткасининг биринчи разряди ставкасидан кам бўлмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш масалалари киритилган. Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш, меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларининг шаҳодатдан ўтказилиши, маънавий-маърифий ва спорт ишлари, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолат ва имтиёзлар бериш, Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенцияларига риоя этиш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши ва иш жойларида қўнимлиликка эришиш каби вазифалар ўрин олган.

Бош келишувнинг бажарилиши давлат органлари, касаба уюшмалари ва иш берувчилар вакилларидан тузилган комиссия томонидан назорат қилиб борилмоқда. Бош келишув асосида касаба уюшмалари давлат органлари ва иш берувчилар билан жамоа музокаралари олиб бориб, корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар учун қатор имтиёз ва кафолатларни ўз ичига олган жамоа келишуви ва шартномалари қабул қилинишига эришяпти.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри миқёсида 14 та ҳудудий, 85 та тармоқ келишуви ва бевосита корхоналарда 97 минг 577 та жамоа шартномаси амал қилмоқда. Улар орқали ходимлар қонунчиликда кўзда тутилган кафолатлардан ташқари қўшимча имтиёз ва қулайликлардан фойдаланаётир. Натижада, кейинги 3 йилда жамоа шартнома ва келишувлари ходимлар турмуш даражасини оширишнинг таъсирчан омилларидан бирига айланди.

Ўтган йил якунига кўра, мамлакатимизда юридик шахсларни жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраб олиш кўрсаткичи 96,3 фоизга етди. Улар орқали 4 млн. 171 мингга яқин (98,7 фоиз) ишловчиларнинг манфаати қамраб олинган. Қабул қилинган жамоа шартномаларининг сони эса 2012 йилга нисбатан 3 минг 772 тага ортди. Ўтган йил жамоа шартномалари орқали ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш учун ўрта ҳисобда бир ходимга 1 млн. 155 минг сўм сарфланишига эришилгани ҳолда, бу миқдор 2012 йилга нисбатан қарийб 470 минг сўмга кўпайди. Айрим тармоқларда эса жамоа шартномалари орқали ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори 5-7 млн. сўмни ташкил этаётир.

Бугун жамоа шартнома ва келишувлари орқали меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини барпо этиш масалалари ҳал этилмоқда. Ходимларнинг касби, малакаси ва меҳнат шартномасига биноан тўла бандлиги таъминланиб, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш чоғида қонун меъёрларига риоя этилаяпти. Яна бир муҳим жиҳати шуки, жойларда қабул қилинган жамоа шартномаларининг 97,5 фоизида иш берувчининг ташаббусига кўра ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан аввал касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш кўзда тутилган. Бу орқали ходимнинг ноқонуний ишдан бўшатилишининг олди олинмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўтган йил давомида мазкур локал ҳужжатлар орқали республика бўйича асосий узайтирилган таътиллардан 2 млн. 156 минг нафар, қўшимча таътиллардан эса 2 млн. 45 минг нафар ходим фойдаланган. Хўжалик ҳисобидаги 16 минг 245 та корхонада жамоа шартномасига биноан ходимларнинг тариф коэффициентлари Ягона тариф сеткасида белгиланган коэффициентларга нисбатан оширилган миқдорда жорий этилган. Натижада, 1 млн. 155 минг ходимнинг иш ҳақи оширилган базавий ставкалар бўйича тўланаяпти. Тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларга турли устама, қўшимча ва компенсация тарзидаги тўловлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 1-may № 54 (3403)

Жамоа шартномалари ва келишувлари

ходимлар манфаатини таъминлашда асос бўлиб хизмат қилаяпти

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Масалан, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси ҳамда Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўртасида 2013-2014 йилларга тузилган тармоқ келишувига асосан ходимларга кўп йиллик хизмати учун устамалар, локомотив машинистларига, поезд тузувчиларига, станция бош кондукторларига, шунингдек, бригадага раҳбарлик қилаётган ходимларга, автомобил ҳайдовчиларига қўшимча тўловлар ўрнатилган. Таъмирлаш усталари ва чет тилларини биладиган ходимларга махсус устамалар тўланмоқда.

Бундан ташқари, барча жамоа келишуви ва шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилишга тааллуқли меъёрлар ўз аксини топган. Хусусан, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш, ишлаб чиқариш муҳитини ва санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш, ходимларни махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, профилактик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланаётгани эътиборга молик. Ўтган йили қарийб 2 мингта корхонада 74 мингдан ортиқ иш жойларидаги меҳнат шароити шаҳодатдан ўтказилди.

Жамоа шартномаларидаги ёшлар, хусусан, коллеж битирувчиларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган тизимли тадбирлар натижасида ўтган йили касаба уюшма маблағидан 32 минг 535 нафар битирувчига ишлаб чиқариш амалиётини ўташ даврида ҳамда касб-ҳунар коллежларини имтиёзли диплом билан тугатиб, ишга жойлашган ёш мутахассисларга энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда жами 744,5 млн. сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Касаба уюшмалари томонидан 69 мингга яқин корхона ва ташкилотда битирувчиларнинг иш жойларидаги қўнимлилиги бўйича мониторинг йўлга қўйилди.

Таъкидлаш зарурки, жамоа шартномалари орқали ишчи-ходимлар ўртасида маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирлари, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари дам олишига катта аҳамият берилаяпти. Ходимлар ва уларнинг фарзандлари маданият муассасаларидаги тўгарак ва бадиий жамоаларга жалб этилиб, бўш вақтлари сермазмун ташкил этилмоқда. Ҳар бир меҳнат жамоасида «Маънавият соатлари» ўтказилиб, ходимлар, айниқса, ёшларга мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти етказилаяпти.

Жорий йилнинг 1-чорагида мамлакат бўйлаб 30 мингга яқин бошланғич касаба уюшма ташкилотларида «Маънавият соатлари» ўтказилди. Уларда 3 млн. дан ортиқ ходимлар иштирок этди. Иш берувчилар ва касаба уюшмалари ижтимоий шериклигида ижтимоий ҳимояталаб ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, боқувчисини йўқотган оилалар вакилларининг тарихий шаҳарларга саёҳатлари уюштирилаяпти. Жорий йилда 50 минг нафар ана шу тоифадаги инсонлар учун жамоавий саёҳатларни уюштириш режалаштирилган бўлиб, бугунгача 3 минг нафардан ортиқ ходим саёҳатда бўлди.

Анжуманда жамоа шартномалари орқали болалар соғломлаштириш оромгоҳларини сақлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар фарзандларини соғломлаштириш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилаётгани айтиб ўтилди. Шунингдек, ходимларга овқатланиш, йўлкира, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш учун тўловлар, таътил, тўй-тантана, пенсияга чиқиш, таъзия, хасталик, жарроҳлик операцияси зарурати, фавқулодда ҳодиса содир бўлганда моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнат учун рағбатлантириш каби ижтимоий тўловлар билан бир қаторда, тармоқлар хусусияти билан боғлиқ бошқа тадбирлар ҳам қўлланилаяпти. Масалан, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимида 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга иш вақтини ҳафтасига бир соатга қисқартириш жорий этилган. «Асака» тижорат банкида пенсияга чиққан собиқ ходимларга бир йилда икки маротаба энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилаётир.

Ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини бажариш доирасида охирги йилларда жамоа шартнома ва келишувлари орқали уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга, кўп болали, кам таъминланган ва ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг маданий дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш кенгайиб бораяпти. Масалан, 2013 йилда «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида жамоа шартнома ва келишувлари орқали 22 минг 340 нафар фуқаро ва 183 минг 721 та оилага қарийб 82,5 млн. сўмлик ижтимоий кўмак берилди. Жорий йилда «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида ходимларнинг 5 минг нафар фарзандига чет тилларни ўрганиш учун моддий кўмак бериш, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бўлган 9 минг нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар хариди, шунингдек, уй-жой қурилиши учун янги оила қурган 2 минг нафар ёшга фоизсиз ссудалар бериш мўлжалланган. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 50 минг нафар фарзанди учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш, 100 минг нафар ижтимоий ҳимояталаб инсонга моддий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Шунингдек, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 2 минг 530 нафар талабага шартнома пулларини қоплаб бериш, нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 5 минг нафар болали аёлнинг ойлик маошини сақлаган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгилаш режалаштирилган.

Ҳозирда тармоқ ва ҳудудий келишувлар, жамоа шартномалари бажарилиши устидан мунтазам назорат ўрнатилган. Хусусан, ҳар йил камида бир марта ушбу масалалар ижтимоий шериклар билан биргаликда ҳайъат органлари йиғилишларида кўриб чиқилаяпти. Корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаси бажарилиши якунларига бағишланган умумий йиғилиш (конференция)лар ўтказилиб, ходимлар олдида иш берувчилар ва касаба уюшма қўмиталарининг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилган. Хусусан, жорий йилда «Тошкент халқаро аэропорти» давлат унитар корхонаси, «Тошкент почтамти» филиали, Тошкент минтақавий темир йўл узели «Йўлрефтранс» ОАЖ, «Жиззахдон маҳсулотлари» ОАЖ, «Ўзбекимёмаш» ОАЖ, «Электркимё заводи» ҚК ЁАЖ, «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси каби кўплаб корхона ва ташкилотлардаги жамоа шартномалари бажарилишига бағишланган конференцияларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раҳбарияти ва масъул ходимларининг иштироки таъминланди.

Анжуман сўнгида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоблар берилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари

■ Меҳнат муҳофазаси

Олдини олган маъқул

Мамлакатимизда Халқаро меҳнат ташкилотининг 13 та конвенцияси ратификация қилинган бўлиб, улардаги меъёрлар ижросини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга ошириб келинаётир. Касаба уюшмалари томонидан ХМТнинг 1999 йилда тақдим этилган Муносиб меҳнат Концепцияси маъқулланди. Айни чоғда Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси томонидан эълон қилинган 7 октябр — Муносиб меҳнат куни кенг нишонлаб келинмоқда.

Меҳнат муносабатларини шакллантиришда, аъзолар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш ва мурожаатлари асосида ҳамкор ташкилотлар билан бақамти тезкор амалий чоралар қўлланилаётир. Биргина Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари ўтган бир йил мобайнида меҳнаткашлардан 1124 ёзма, 748 та оғзаки мурожаатлар қабул қилди. 197 та ҳолат «Ишонч телефонлари» орқали ёзиб олинди. Тегишли мутахассислар жалб этилган ҳолда мурожаатларнинг 94,6 фоизи ижобий ҳал этилди. 14 та ҳолат бўйича касаба уюшмалари даъвогарлигида судда кўриб чиқилиб, фуқаролар фойдасига ҳал бўлди. Оғзаки мурожаатларнинг барчаси ўрганилиб, ижобий якун топди.

Ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар шериклик асосида бартараф этилаётир. Вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ўртасида тузилган уч томонлама шартнома шартлари амалда ўз ижросини топмоқда. Бугунги кунда ҳудуд корхона ва ташкилотларида меҳнат қилаётган 402203 нафардан ортиқ меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатлари жамоа шартномалари орқали муҳофазаланаяпти. Меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган меҳнат хавфсизлиги даражасини юксалтириш, иш жойларининг санитар-гигиена ҳолатини яхшилаш, маиший хоналар билан таъминлаш, иш ўринларини шаҳодатлаш, меҳнат муҳофазаси қоидалари бўйича ўқитиш, зарарли меҳнат шароитлари учун имтиёз ва компенсациялар ўрнатиш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Ўтган фурсат мутахассисларимиз томонидан 1618 та бошланғич касаба уюшма ташкилотида меҳнат муҳофазаси бўйича ўрганишлар ўтказилиб, 2651 ҳолатда қоида ва меъёр бузилишлари аниқланди. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидалари бўйича турли ўқувлар, семинарлар ташкил этиб келинаётир.

Меҳнат шарт-шароитларини баҳолаш, иш жойларини шаҳодатдан ўтказиш, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини бартараф этиш борасида чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияси билан ҳамкорликда давлат ва жамоатчилик назорати амалга оширилмоқда. Ўрганишлар жараёнида 80 та корхонада 2537 та меҳнат шароити ноқулай ва зарарли иш жойлари шаҳодатдан ўтказилди.

Ходимларни соғломлаштириш, уларга муносиб иш ўринлари яратиш, тиббий хизмат, экологик муҳитни яхшилаш диққат марказимизда бўлаётир. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир ходим эътиборда.

Усмон КАРИМОВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзуида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Муҳим аҳамиятга молик

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ташкил этилган тадбирда корхона ва ташкилотларнинг касаба уюшма қўмита раислари ва меҳнат муҳофазаси бўйича нозирлари қатнашди.

— 50 га яқин бошланғич ташкилотлар вакиллари иштирок этган семинар самарали кечди, — дейди тармоқ Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Одилжон Жалилов. — Мақсадимиз, ишчи-ходимларга қулай дам олиш ва меҳнат шароитлари яратишдир. Бу семинар шу масалаларда касаба уюшма вакиллари учун ҳуқуқий кўмак бўлди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири М.Азимхўжаев, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Ф.Ниязмуродов, юридик бўлим етакчи юристконсулти Ҳ.Усмоновнинг мавзуга доир маърузалари тингланди.

Тадбир якунида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Вакиллар ўқитилмоқда

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, меҳнатда майиб бўлиш ва касб касалликларининг олдини олишда асбоб-ускуналар ва технологиялардан тўғри фойдалана билиш ишчи-ходимлардан билим ва кўникма талаб этади.

Шуни назарда тутган ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2014-2016 йиллар учун тузилган Бош келишувнинг 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил 8 апрелда Федерация Кенгашининг 09/582-сонли хати имзоланди. Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсати ва Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ижроия қўмитаси томонидан қўшма қарор қабул қилинди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 1995 йил 14 декабрдаги 60-сонли ва 8/3-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган «Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида» ги Низомда корхоналарда сайланган меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг иш берувчилар томонидан режали равишда ўқитилиши белгилаб қўйилган. Шунга кўра ҳозирда ҳар бир туман (шаҳар)да, вилоятдаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда намунали ўқув дастури асосида меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларга билим ва кўникмалар бериб борилаётир.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими ходимлари ўқув жараёнида белгиланган мавзуларнинг тўлақонли очиб берилишини назорат қилиб боряпти.

2013 йил давомида сайланган 1096 нафар вакилнинг 895 нафари ўқитилган бўлса, жорий йилда режа асосида вилоятдаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда сайланган вакилларнинг меҳнат муҳофазасига оид билим ва маҳоратлари синовдан ўтказилади.

Вакилларнинг ўқитилиши ёхуд малака оширишлари билан бир қаторда бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Зеро, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳар бир меҳнат жамоаси учун дастуруламал бўлмоғи лозим.

Маҳбуба ҚАМБАРОВА,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси

Қашқадарё томонларда

«Жонибек» хусусий корхонаси Яккабоғ туманида жойлашган. Яқинда бу ерда мактабгача тарбия муассасалари учун миниатюра мебеллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

БОЛАЛАР УЧУН МЕБЕЛ

Олти ёшгача бўлган тарбияланувчиларга мўлжалланган мебелларнинг дастлабки комплекти Қамаши туманидаги болалар боғчаларига жўнатилди.

Корхона масъул ходими Аслиддин Эргашевнинг маълум қилишича, ҳадемай болалар майдончалари учун янги туркум мебеллар ўзлаштирилади.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Шаҳрисабздаги «Ҳирот йўллари» хусусий корхонаси пишлоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Яқинда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сони яна бир неча турга кўпайди.

Савдо корхоналарига биокефир, мевали йогурт, қаймоқ етказиб берилмоқда. Янги ускуналар келтирилгач, иш кўлами янада кенгаяди.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ЭВАЗИГА

Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини битирган Сухроб Бўронов салкам 39 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиб, янги бизнес лойиҳани амалга оширди.

Палма ёғидан совун тайёрлайдиган янги ускуна сотиб олиб, ҳар куни 400 дона совун ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

— Давлатимиз биз ёш тадбиркорларга ҳамма шароитни яратиб бермоқда, — дейди ғузорлик ёш ишбилармон биз билан суҳбатда. — Келажакда ишлаб чиқаришнинг янги турларини ўзлаштирамиз.

Иззат ҲИКМАТОВ

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНАЁТГАН КОРХОНА

Сурхондарё вилояти енгил саноати ривожида алоҳида ўринга эга. Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекс» иқтисодий салоҳияти юксалиб бораётган қўшма корхоналардан.

Айни пайтда бу ерда пахта толасидан йилига беш минг тонна калава ип ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг асосий қисми экспортга жўнатилаётир.

Корхонада 600 нафарга яқин ишчи-муҳандис уч сменада меҳнат қилади.

Суратда: ишчи — Мафтуна Аҳмедова.

ЎзА фотомухбири Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган сурат

■ Ўқув-семинар

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур туман кенгаши ҳамда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида «Касаба уюшмалари ҳаракатида бошланғич ташкилотларнинг тутган ўрни» мавзуида ўқув-семинар ўтказилди.

Кўтаринки руҳда

Тумандаги намунали ўқув муассасаси ҳисобланган 20-умумтаълим мактабида ташкил этилган тадбирда ТХТМФМТТЭБ мудири А.Ризоқулов, ўқувчиларни маънавий ва ахлоқий тарбиялаш шўъбаси раҳбари А.Одилов, муассаса раҳбарлари, тумандаги фаол бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари иштирок этди.

Семинарни тармоқ ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Д.Ўлмасова кириш сўзи билан очиб, ўтган йил якунлари ва жорий йилда бошланғич ташкилотлар олдида турган муҳим вазифалар ҳақида тўхталди.

Шундан сўнг 20-умумтаълим мактабида ижтимоий ҳамкорлик асосида иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида мактаб раҳбари Ш.Қосимова ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Д.Мақсудованинг маълумотлари тингланди.

Туман касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши аъзолари томонидан намойиш этилган касаба уюшмаси афзаллигини тарғиб этувчи саҳна кўринишлари ўқув-семинарнинг мазмун-моҳиятини янада очиб берди. Фаол бошланғич ташкилот раислари ҳамда касаба уюшма аъзолари фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирланди.

«Санъатим сенга, обод юртим!» танловининг жажжи иштирокчилари томонидан ижро этилган қўшиқ ва рақслар тадбир қатнашчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

■ Рағбат

Кунда бир довон ошиб

Олмазор тумани истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан Тошкент Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида «Ёш тадбиркорлар» кўрик-танлови ўтказилди.

Танловда «Йилнинг энг фаол мутахассиси», «Энг фаол ёш тадбиркор», «Энг фаол ҳунарманд» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

— Бугун барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнини ёшларнинг фаол иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди туман тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси З.Мирпўлатова. — Уларнинг бор куч-ғайрати ва саъй-ҳаракати ватанимиз тараққиётини юксалтиришга йўналтирилган.

— Бугун юртимизда ёш авлодни тадбиркорлик соҳасига жалб этиш, уларни қўллаб-қувватлаш, истиқболли лойиҳаларни молиявий рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мен ушбу кўрик-танловда қатнашиб, «Энг фаол ёш тадбиркор» номинациясида 1-ўринни қўлга киритдим, — дейди Д.Нуриллаев. — Бу рағбат мени келгусидаги ишларимга ижобий таъсир кўрсатади ва ўз устимда янаям кўпроқ ишлашга ундайди.

Кўрик-танлов ғолиблари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири.
Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари

Юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб улғайишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Бундан оқилона фойдаланиб келаётган иқтидорли ёшлардан бири Дилбар Холжигитовадир.

Дилбар – давр қизи

Дилбар Гулистон шаҳрида ўсиб-улғайди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ташкил этилган таэквондо тўгарагига саккиз ёшидан қатнай бошлади. Бунда акаси Ҳасаннинг хизмати катта.

Спорт мураббияси Азиза Каримқулова кўзлари порлаб турган чаққон, эпчил бу қиздаги иқтидор ва салоҳиятни тезда пайқади ва уни тўғри йўналтира билди. Дилбар устозининг ишончини тўла оқлади. Саккизинчи синфда ўқиётган пайтида вилоят беллашувларида ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллаб, республика чемпионатига йўлланма олди. Унга омад кулиб боқиб, 14 ёшида Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлди. Дилбар Холжигитова шундан сўнг вилоят терма жамоасига қабул қилиниб, республика миқёсидаги кўплаб мусобақаларда иштирок этди.

2011 йилда ёрқин истеъдоди туфайли республика терма жамоасига қабул қилиниб, иккинчи бор Ўзбекистон чемпионатида ғолибликни қўлга киритди ва Осиё чемпионатига йўлланма олди. Қозоғистоннинг Тараз шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иккита кумуш медал соҳибаси бўлди. 2012 йилда Эстониянинг Таллин шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам муваффақиятли иштирок этди. Эришган ютуқлари туфайли Ўзбекистон Республикаси «Таэквондо ИТФ» миллий ассоциациясининг махсус сертификати, қора белбоғ биринчи «ДАН» соҳибасига айланди.

— Юртимизда биз ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаяпти, — дейди биз билан суҳбатда Дилбар Холжигитова. — Мен жаҳон миқёсидаги спорт мусобақалари олдидан давлатимиз раҳбарининг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч качон кам бўлмаймиз!» деган пурҳикмат сўзларини ичимда бот-бот такрорлайман. Бу менинг кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшади, ғалабага чорлайди.

Дилбар Холжигитова Гулистон давлат университети қошидаги академик лицейнинг 3-босқичида таҳсил олмоқда. У лицей ўқувчилари ўртасида ўзининг чуқур билими, аъло хулқи билан алоҳида ажралиб туради. «Ораста қизлар» кўрик-танловининг шаҳар, вилоят босқичида биринчи ўринни, республика босқичида 194 нафар қизлар ўртасида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Дилбар жамоат ишларида ҳам фаол. «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотининг «Ёш тарғиботчилар» гуруҳи сардори. «Адолат» социал-демократик партияси вилоят кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти раиси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Дилбар спорт, сиёсат билан бирга, ижодга ҳам қизиқади. Унинг турли мавзулардаги мақолалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмоқда.

Бу йил Дилбар Холжигитова ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. У Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлди.

— Бу мукофот ва эътибордан бошим осмонга етди, — дейди Дилбар. — Юксак рағбат янада улкан марралар сари чорлаяпти. Ниятим — Ватанимнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга ўз ҳиссамни қўшишдир.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти

Миннатдорлик

Ассалому алайкум, ҳурматли «Ishonch» газетаси таҳририяти!

Мен Қашқадарё вилоят Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғининг 9-умумий ўрта таълим мактабининг 7-синфида ўқийман.

ИШОНЧИМ ОРТДИ

Оиламизда 3-синфда ўқийдиган синглим ва онам бор. Отамнинг Муборак унитар шўъба корхонасида ишлаб, касаллик оқибатида оламдан ўтганига 2 йилдан ошди. Бизга икки йилдан бери топшириладиган янги йил совғаси 2014 йилда берилмади. «Ishonch» газетаси мухбири Акмал Абдиевнинг телефон рақамларини газетадан олиб, бор гапни айтдик. У кишининг саъй-ҳаракатлари туфайли совға икки ой кечиктирилиб бўлса-да, тақдим этилди. Бунинг учун «Ishonch» газетасига ва унинг Акмал акадай фидойи мухбирига ўз миннатдорлигимни билдираман.

«Ishonch»га ишончим янада ортди.

Зулхумор НОДИРБЕК қизи

Тиббиёт ҳамшираси София Бойқулова қарийб йигирма йилдан буён Нишон туманидаги 15-мактабгача тарбия муассасасида болалар саломатлиги учун жон куйдириб келмоқда.

— Муассасамизда тўрт гуруҳда 80 нафар бола тарбияланаётир, — дейди муассаса мудираси Малоҳат Амонова. — Ойсулув Жўрақулова, Башорат Ҳасанова, Гулбаҳор Зойирова каби тарбиячилар қатори ҳамшира София Бойқулованинг хизматидан ота-оналар мамнун.

Суратда: тиббиёт ҳамшираси София Бойқулова.

Шавкат СУЛТОНОВ олган сурат

Саломатлик сабоқлари

Плевра ўпка ва кўкрак бўшлиғини ўраб турадиган сероз парда бўлиб, у яллиғланганда плеврит касаллиги юзага келади. Кўпинча ўпкадаги яллиғланишлар, баъзан ревматизм, сил, юқумли ва аллергик касалликлар плевритга туртки беради. Хасталик баъзида кўкрак бўшлиғининг жароҳатланишидан кейин пайдо бўлиши кузатилган. Бир сўз билан айтганда, беморда асосий касаллик (масалан, сил ёки зотилжам)нинг ривожланиши охир-оқибат плевритга олиб келади.

Плеврит ҳақида нималарни биламиз?

Пульмонолог шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Наима Убайдуллаева маслаҳатлари



Бундан ташқари, инфекциялар, ўсмалар, бириктирувчи тўқиманинг давомли касаллиги, геморратик диатезлар плеврит келиб чиқишининг асосий сабабчилари ҳисобланади.

Плевритнинг қуруқ ва экссудатли турлари фарқланади.

Қуруқ плевритда плевра пардалари қалинлашади ва ғадир-будир бўлиб қолади. Баъзи ҳолларда қуруқ плеврит сил касаллиги бошланишининг биринчи белгиси сифатида касаллик юққанидан бир неча ой ўтиб ривожланади. Кўп ҳолларда эса қуруқ плеврит экссудатли плевритдан олдин пайдо бўлади.

Касаллик (қуруқ плеврит) бирданига қаттиқ оғриқ билан бошланади. Бунда оғриқнинг қаерда бўлишини аниқлаш муҳим. Масалан, қовурға соҳаси шикастланганда, оғриқ кўкрак қафасининг яллиғланган жойида юзага келади.

Плевранинг бошқа қисмлари яллиғланганда эса, оғриқ кўкрак қафасидан ташқари соҳаларда бўлади. Агар плевра гумбази яллиғланса, елка мушаклари оғриб, баъзан қотиб қолади.

Умуман, қуруқ плевритга чалинган бемор нафас олганда, йўталганда, сўзлашганда оғриқ кучаяди. Баъзи ҳолларда қуруқ йўтал пайдо бўлади. Бемор кўпроқ соғ томонида ётишга ҳаракат қилади. Айрим ҳолларда қуруқ плеврит бирор ҳафта ичида тузалиб кетиши ҳам мумкин. Бу нарса беморнинг умумий ҳолатига боғлиқ.

Агар бемор организми кучсиз бўлса ёки сурункали касалликлардан тузалмаганда, қуруқ плеврит кўпроқ давом этиб, оқибатда экссудатли плеврит ривожланиши мумкин. Бу вақтда экссудат йиғилади, плевра қаватлари устида фиброин иплари чўкади, томирлар кенгаяди, касаллик ўчоғида сезиларли чандиқлар ҳосил бўлади.

Экссудатли плевритда плевра пардалари орасига суюқлик тўпланиб, у тиниқ, баъзида қон ёки йиринг аралашган бўлади. Баъзи ҳолларда бу суюқлик (экссудат)да йиринг кўп бўлиб, гоҳида унга ҳаво ҳам қўшилиб, ёмон оқибатларга олиб келади.

Экссудат, аввало, қовурға дифрагма атрофида йиғилади. Бу вақтда беморнинг тана ҳарорати бирдан кўтарилади, юрак қафасида санчиқли оғриқ ва қийнайдиган йўтал бошланади.

Ҳаво етишмаслик, юзнинг кўкариши ва товушнинг титраши ҳам экссудатли плевритнинг ривожланаётганидан дарак беради.

Кузатишларга кўра, экссудатли плевритнинг кечиши асосий касалликка боғлиқ бўлиб, 1,5-2 ой давом этиши мумкин.

Баъзи ҳолларда плевра қаватларининг бирбирига ёпишиши натижасида кўкрак қафаси шакли ўзгаради, ҳаракати чегараланиб қолади. Экссудат кўп бўлганда эса беморнинг аҳволи оғирлашади, унда заҳарланиш белгилари пайдо бўлади, шунингдек, ўткир ўпка, юрак ва қон томирлар етишмовчилиги рўй беради.

Касаллик зўрайгани сайин нафас олиш ва қон айланиш аъзолари иши бузилади. Чунки экссудат ўпкадаги ҳавони аста-секинлик билан сиқиб чиқаради ва уни зичлайди. Оқибатда бемор ҳаво етишмаётганидан азобланади, ҳатто кўкариб кетади. Умуман, йирингли плевритлар жуда оғир ўтади.

Касаллик тўсатдан бошланганда, бемор қимирламай ётиши керак. Нафас олиши қийинлашса, бошига бир нечта ёстиқ қўйиш ёки сал қаддини кўтариб ўтказиш лозим.

Беморнинг овқатлари юқори калорияли, витаминларга бой бўлиши керак.

Плевра бўшлиғига суюқлик тўпланиши кучайса, бемор касалхонага ётқизилади, суюқликда йиринг кўп бўлса, жарроҳлик усули қўлланади.

Плевритдан соғая бошлаган беморлар шифокор маслаҳатига кўра даво физкултураси билан шуғулланишлари шарт. Айниқса, силга мойил экссудатли плевритга чалинган беморлар махсус шифохоналар ёки санаторийларда даволанишлари керак. Улар 1,5-2 йилгача диспансер назоратида турадилар.

Плеврит анча жиддий хасталик, шунинг учун ҳам кишилар ўзини ундан эҳтиётлашлари керак.

Шуни унутмангки, плеврит даволанмаса оғир оқибатларга олиб келади, шу боисдан хасталикнинг сабабини аниқлаш ва асосий дардни ўз вақтида тузатиш зарур.

Маслаҳатларимиз қуйидагича:

- инфекцион касалликлардан сақланинг;

- ораста лик ва гигиенага амал қилинг;

- грипп ни оёқда ўтказманг, чунки бу касаллик асорати плеврит келиб чиқишига имкон яратади;

- ревматизмни ўз вақтида даволаб туринг, агар шу дард сурункали кечаётган бўлса, босқичма-босқич муолажа олинг;

- силни юқтиришдан эҳтиётланинг;

- нафас йўли касалликлари билан тез-тез оғриб турсангиз, мунтазам шифокор назоратида бўлинг;

- экссудатли плеврит билан хасталанган беморлар гарчи аҳволлари енгил бўлса-да, махсус клиника ёки санаторийларда даволаниб туришлари лозим;

- аввало, организмни чиниқтиринг, иложи бўлса, спортнинг бирор тури билан шуғулланинг;

- эрталаб ва кечқурунлари контраст (суви гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ бўлган) душда чўмилишга одатланинг, бунда организмнинг ички ҳимоя кучлари ортиб, совуқ ҳавога чидамли бўлади;

- плевра шамоллашларини даволашда оддий усуллар (анжир қоқисини чой ўрнида дамлаб ичиш ёки мевасини тез-тез еб туриш) ҳам фойда беради;

- исмалоқнинг қуриган баргларидан бир чой қошиқ олиб, бир стакан сувда ўн дақиқа қайнатинг ва кунига уч маҳал ярим пиёладан ичиб туринг;

- газли ва тутунли ҳаводан нафас олиш плевра соҳасини зарарлайди, шунинг учун бундай ҳудудлардан узоқроқ юринг.

Умуман, касалликни даволаб тузатишдан кўра олдини олиш осон, деган гапда чуқур ҳикмат бор.

Киши дардга чалинмаслик учун ўз соғлигига бепарво қарамаслиги, илк аломатлар пайдо бўлиши биланоқ дарров шифокор қабулига бориши лозим. Акс ҳолда, хасталик ривожланиб, беморни анча қийнаб қўяди. Кейин ҳар қанча дори-дармон қилса-да, соғайиши қийинлашади.

Гулчехра ЖАМИЛОВА ёзиб олди.

Бурч масъулияти

Соғлом ҳаёт сари

Жамият тараққиётига аҳамиятли нимаики бўлса, у инсон манфаатига хизмат қилади. Шу маънода, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти биз, айниқса, ёшлар манфаатини таъминлашга қаратилган.

Жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялаш устувор вазифа. Ҳар бир инсон ўз фарзандининг соғлом ва баркамол тарбияланишини, унинг бахт-саодати, ёруғ келажагини кўришни ният қилади.

Давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этувчи фарзандларимиз учун олиб борилаётган эзгу ишлар ҳар биримизнинг қалбимизга фахр-ифтихор туйғусини солади. Ушбу олижаноб ишлар изчиллик билан давом этиб, тобора кенгайиб бораётгани ва юксак самаралар бераётгани қувонарлидир.

ЎзА сурати

Бу мулоҳазаларни бежиз билдираётганим йўқ, албатта. Ўқитувчи сифатида фахр билан айтишим мумкинки, бахтиёр ёшларимиз тинч ва осуда замонда улғаймоқда. Бу эса мамлакатимизда Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат қанчалик оқилона ва ҳаётий эканлигидан далолат.

Бунга жавобан куч-ғайратим ва бор билимимни ёш авлоднинг таълим-тарбияси йўлида сафарбар қилишни муқаддас бурчим, деб биламан.

Муқаддам УМРЗАҚОВА,
Қўқон шаҳар 5-мактаб ўқитувчиси

Замона зайли

Амина Неъматова Навбаҳор туманидаги «Навкар» маҳалласида яшайди. Айни пайтда иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг 2-босқич талабаси.

ЎҚУВЧИ ҚИЗ — ТАДБИРКОР

— Бичиш-тикишга меҳрим баланд. Устозим — онам билан маслаҳатлашиб, уйимизда тикувчилик цехи очдик, — дейди ёш ҳунарманд қиз. — Дарсдан кейин бу ерда буюртма асосида аёллар кийимлари тикишни йўлга қўйдик. Бу ишда 5 нафар дугонам кўмак бермоқда. Даромадимга попопчилик машинаси сотиб олдим. Ҳозирда тикаётган либосларимга турли безаклар бераяпман.

Аминахон бу билан чекланиб қолгани йўқ. Тикув цехида хотин-қизлар учун замонавий сумкалар, пардоз халта ва ҳамёнлар ҳам тайёрланаётир.

Ҳамза ЭШОНҚУЛОВ

Кўрик-танлов

«Йилнинг энг фаол ёш олими»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши, Республика Савдо-саноат палатаси, Фанлар академияси, ЎзА ҳамда Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли кадрларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш ҳамда касб маҳоратини ошириш мақсадида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танловини эълон қилган эди.

Фанлар академияси ва ЎзФА бирлашган касаба уюшма қўмитасининг қўшма қарорига асосан илмий тадқиқот муассасаларида танловнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Муассаса раҳбарлари, илмий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ёш олимлар кенгаши раислари ҳамда жойлардаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари билан биргаликда комиссия таркиби тузилиб, ғолиблар аниқланди.

Танловнинг биринчи босқичида тизимдаги барча илмий муассасаларда фаолият олиб бораётган ёш олим ва тадқиқотчилар фаол иштирок этдилар. Беллашувлар ёшларнинг фаннинг турли соҳалари бўйича ўзаро баҳс ва мунозаралар, фикр ва тажриба алмашинишларига замин яратди.

Танлов натижаларига кўра, 15 нафар ёш олим 1-ўрин соҳиби бўлди. Улар: Аҳмаджон Абдужабборов (Ядро физика институти), Ойбек Абдулхаев («Физика-Қуёш» ИИЧБ, Физика-техника институти), Абдулла Ҳакимов (Астрономия институти), Ганжибой Болтаев (Ион-плазма ва лазер технологиялари институти), Фаррух Мухторов (Энергетика ва автоматика институти), Ҳайдар Юнусов (Полимерлар кимёси ва физикаси институти), Санжар Шеримбетов (Биоорганик кимё институти), Неъматжон Валиев (Ўсимлик моддалари кимёси институти), Орзумат Турғунов (Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти), Феруза Бобожонова (Геномика ва биоинформатика маркази», Хуршида Норбаева ва Нодира Азимова (Микробиология институти), Феруза Рафиева (Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти), Ғулом Исмоилов (Тил ва адабиёт институти), Эркин Ражабов (Тарих институти).

Танлов ғолиблари илмий тадқиқот муассасаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмиталари томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Спорт оламида

«Касаба-тур — 2014»

Спорт саломатлик гарови эканини мутахассислар аллақачон асослаб беришган. Кейинги йилларда касаба уюшмалари томонидан оммавийликни таъминлаш, аъзолар ва уларнинг фарзандларини спортга кенг жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. «Касаба-тур»нинг Хоразм вилоят босқичи кўтаринки кайфиятда ўтди.

ВЕЛОМАРАФОН — АМАЛИЙ ТАРҒИБ

— Велопойгачилар орасида аёллар сони ошиб бораётгани бизни мамнун қилмоқда, — деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Муяссар Раҳимова. — Кейинги йилларда аёллар спартакиадалари, спортнинг айрим турлари бўйича мусобақалар уюштириш анъанага айланди. Зеро, аёл соғлом бўлса, миллат соғлом бўлади, жамият равнақ топади.

35 ёшдан катта аёллар ўртасидаги веломарафонда Урганчдаги 6-мактаб ўқитувчиси Райҳон Худойбергановага тенг келадигани топилмади.

— Хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни спортга кенг жалб қилиш, аслида, келажак авлоднинг бардам-бақувватлигини кафолатлашдир, — деди у. — Айнан шунинг учун ҳам мунтазам равишда спорт билан шуғулланаман, ҳамкасбларимга, шогирдларимга спортни кенг тарғиб қиламан.

Ушбу турда иккинчи ўринни гурланлик мактаб ўқитувчиси Мавлуда Салимова, учинчи ўринни Урганч туманидан Ёқутжон Маткаримова эгаллади.

35 ёшгача бўлган аёллар ўртасида Янгибозор туман тиббиёт бирлашмаси кичик ҳамшираси Салима Шомуродова ўз устунлигини намойиш қилди. Унинг ҳамкасби ва жамоадоши Зебо Омонованинг иккинчи ўринга эга бўлиши янгибозорлик тиббиёт ходимлари спорт-саломатлик гарови эканлигини нафақат тарғиб қилишларидан, бу қоидага ўзлари ҳам риоя этишларидан даракдир. Учинчи ўринни қўлга киритган Зулфия Болтаева спорт билан мунтазам шуғулланишини билдирди.

Эркаклар ўртасида 35 ёшдан катталар орасида биринчи ўрин гурланлик Муҳаммад Қўшжоновга, иккинчи ўрин унинг жамоадоши Ғайрат Авазбоевга, учинчи ўрин урганчлик Омонбой Болтабоевга насиб қилди.

20-35 ёшлар ўртасида хивалик Муҳаммад Ибрагимов, Нодир Жуманов ва Яшнарбек Раҳмонов совриндор бўлди.

Хивалик шифокор Зарифбой Ўрозметов ёши энг улуғ иштирокчи сифатида эътироф этилди.

— 62 ёшдаман, — дейди Зарифбой ака. — Инсон саломатлигини асрашда велоспортнинг ўрни алоҳида. Касаба уюшмалари спортнинг барча турлари қатори велоспортни тарғиб қилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Велосипед узоғингни яқин қилувчи камчиқим, безарар транспорт воситаси бўлиш билан бирга, кишига жисмоний куч ҳам бахш этади.

Веломарафонда кўплаб фаол иштирокчилар турли номинациялар ғолиблигини қўлга киритдилар.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Биз ҳам бир ёндан

Қўқон минтақавий темир йўл узели касаба уюшма ҳудудий қўмитаси Соғлом бола йилида Фарғона водийси темир йўл корхоналари ўртасида турли қизиқарли спорт мусобақалари ўтказмоқда.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР БАҲСИ

Яқинда узел корхоналари жамоалари ўртасида «Саломатлик» спартакиадаси ташкил этилди. Найза отиш ва арқон тортиш бўйича аёллар жамоалари ўзаро баҳслашган бўлса, эркаклар ўртасида мини футбол баҳслари уюштирилди.

Найза отиш бўйича Қўқон алоқа ва ишорат масофаси жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Жамоанинг энг фаол қатнашчиси Мақсуда Нурматовага эса биринчи ўрин насиб этди. Кейинги ўринларни Қўқон вагон депосидан Х.Сайдалиева ва Андижон локомотив депосидан Г.Холмирзаева эгаллади.

Арқон тортиш баҳсларида Қўқон темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи аёллар жамоаси биринчи бўлди. Локомотив депоси ҳамда Алоқачилар жамоаси аёллари совриндорлар сафидан жой олди.

Шунингдек, мини футбол баҳсларида ғолиблик Қўқон локомотив жамоасига насиб этди. Кейинги ўринларни Йўл хўжалиги ҳамда Қўқон ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди жамоаси банд этди.

Адҳам ДАМИНОВ

Ходимлар гимнастикаси

Инсониятни ташвишга солаётган муаммолардан бири камҳаракатликдир. Айнан шу боис касаба уюшмаларининг ходимлар гимнастикасини ташкил этиш хусусидаги ташаббуси кенг қўллаб-қувватланмоқда.

БАРДАМЛИК КАФОЛАТИ

Соҳада меҳнат қилаётган ходимлар жисмоний тайёргарлиги алоҳида эътиборга олинади. Негаки, ҳаётда учрайдиган кўнгилсиз ҳолатларни бартараф этишда асосан касб маҳорати, ходим эпчиллиги, тезкорлик талаб этилади.

Яқинда вилоятимизда ёнғинни ўчириш билан бевосита боғлиқ амалий спорт мусобақаси ўтказилди. Худуддаги барча ёнғин хавфсизлиги бўлимлари ходимлари 4 турдан иборат баҳсларда фаол иштирок этишди. Йигирма бир жамоа аъзолари юз метрга девор ва бинолар оша югуриш, бинонинг 4 қаватини ишғол қилиш, уч тирсакли нарвонда ўқув минорасига чиқиш, 400 метрга эстафета югуришида йўл-йўлакай хавфни бартараф этиш машқларида ўз малакасини намоён қилди.

Бундай касб синовлари жисмонан етукликни тақозо этади. Бунда бизга ходимлар гимнастикаси қўл келиши, шубҳасиз. Унда кўрсатилган тавсиялар асосида ходимлар гимнастикасини ташкил этдик. Бунга 691 нафар ходим жалб этилди. Барча туман ва шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларида машғулотларни ташкил этиш учун масъуллар бириктирилди.

Раҳматжон ЎЗБЕКОВ,
Самарқанд вилоят ИИВ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

ЎзКУФКнинг «Корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар гимнастикасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди.

МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Ходимлар гимнастикаси камҳаракатлик туфайли юзага келувчи турли касалликлардан кишини фориғ этади. Қолаверса, иш унумдорлиги ортади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиалида гимнастика амалиётга кенг татбиқ қилинмоқда. Ҳар куни икки марта беш дақиқалик чигилёзди машқлари уюштирилади. Боиси, почта иши ходимдан тезкорлик, чаққон ҳаракатларни талаб этади. Жисмонан фаол кишигина тизимда муваффақиятли фаолият кўрсата олади.

Ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар учун алоҳида махсус соғломлаштирувчи машқ дастурлари қўлланилмоқда.

Алишер САЛАЕВ,
«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали касаба уюшма қўмитаси раиси

УСТОЗЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Соғлом бола йили муносабати билан тармоқ ходимлари ўртасида Гулистон шаҳар «Марказий» ўйингоҳида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши томонидан «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди.

Мусобақада волейбол, стритбол, стол тенниси, шахмат бўйича эркак ва аёллар ўртасида мусобақалар ташкил этилиб, унда 17 та ташкилотдан 238 нафар педагог ходим қатнашди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни 14-умумтаълим мактаби, иккинчи ўринни 8-умумтаълим мактаби, учинчи ўринни 6-умумтаълим мактаби жамоалари эгаллади.

— Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган спартакиадалар спортга бўлган қизиқишимизни ошириб, соғлиғимизни мутаҳкамлашда кўмаклашади, — деди 14-умумтаълим мактаби ходимаси Мавлуда Зикрияева.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва дипломлари топширилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

«Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари олдидан

Қизилқум саҳроси бағрида Навоий давлат кончилик институти қошидаги Зарафшон академик лицейи 2001 йилда ташкил этилган. Таълим муассасасида ўқувчи-ёшлар тўрт йўналиш бўйича таҳсил олмоқда.

ҚИЗИЛҚУМ ЁШЛАРИ

Академик лицейни ўтган ўқув йилида 127 нафар ўқувчи тугатди. Шундан 77 нафари республикамиз ҳамда хориж давлатларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

Ўқувчиларимиз ҳар жабҳада илғор. Жумладан, лицейнинг 2-босқич ўқувчиси Моҳинур Қаҳрамонова шахмат бўйича уч карра Ўзбекистон чемпиони, «Умид ниҳоллари — 2012» олтин медал соҳибаси, 2011 йилда Қозоғистонда бўлиб ўтган минтақавий Осиё чемпионатида 1-ўринни қўлга киритган. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси. Ғофур Актамов дзюдо бўйича юртимиз чемпиони, ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионати 3-ўрин совириндори ва кўплаб турнирлар ғолиби.

Жорий йилнинг май ойида Наманган шаҳрида бўлиб ўтадиган «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларида академик лицей ўқувчилари — Ғофур Актамов, Моҳинур Қаҳрамонова, Сейлхан Аспанов, Алёна Василева, Умиджон Ахматов қатнашиш имкониятини қўлга киритди.

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар мазмунини ўқувчи онги ва тафаккурига сингдириш борасида турли тадбир ва учрашувлар уюштирилмоқда.

Ўткир ҲАМРОЕВ,
Зарафшон академик лицейи бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси.
«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

I. 2014 йил 3 июн куни соат 11-00 да ташкил қилинадиган савдоларга Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмаси ҳисобидаги бошланғич баҳоси 720 000 сўмдан иборат 1989 йилда и/ч УАЗ-315201 русумли д/р 80/ 029 DAA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

III. 2014 йил 3 июн куни соат 12-00 да ташкил қилинадиган савдоларга Бухоро вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳисобидаги бошланғич баҳоси 13 626 000 сўмдан иборат 2003 йилда и/ч Нексия русумли д/р 80/ 604 GAA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 02.06.2014 йилга қадар соат 10-00 дан 16-00 гача қабул қилинади. (13-00-14-00 тушлик).

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali СТИР 302523082, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali.

Манзили: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй. Тел: 8365 2215924. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган савдолар хабарномаси.

1. Сотувчи:	Бухоро вилояти «Техник хизмат кўрсатиш маркази» масъулияти чекланган жамияти		
1.1. Савдо объекти:	Теххизмат биноси (омборхона биноси)нинг бир қисми		
Манзили:	Бухоро шаҳар, С.Муродов кўчаси, 14-уй.		
Бошланғич баҳоси:	Бошланғич баҳоси: 55 000 000 (Эллик беш миллион) сўм.		
Тавсифи:	Умумий майдони (кв.метр)	Қурилиш майдони (кв.метр)	Фойдали майдони (кв.метр)
	504,0	216,0	—
1.2. Савдо объекти:	Офис биноси		
Манзили:	Бухоро шаҳар, С.Муродов кўчаси, 14-уй.		
Бошланғич баҳоси:	1 700 000 (Бир миллион етти юз минг) сўм.		
Тавсифи:	Умумий майдони (кв.метр)	Қурилиш майдони (кв.метр)	Фойдали майдони (кв.метр)
	1 440,0	25,0	—
2. Сотувчи:	Бухоро вилояти «Техник хизмат кўрсатиш маркази» қошидаги «Бухоро кейс таъминот-хизмат» корхонаси		
2.1. Савдо объекти:	Механик цехи биноси		
Манзили:	Бухоро шаҳар, С.Муродов кўчаси, 14-уй.		
Бошланғич баҳоси:	45 000 000 (Қирқ беш миллион) сўм.		
Тавсифи:	Умумий майдони (кв.метр)	Қурилиш майдони (кв.метр)	Фойдали майдони (кв.метр)
	204,16	204,16	—
3. Савдо ўтказиладиган санаси, вақти:	2014 йил 1 май кунидан бошлаб ҳафтанинг ҳар куни (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 17.00 га қадар.		
4. Савдо шартлари.	1. Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган савдоларда объектни сотиб олиш бўйича тегишли ҳаракатларни амалга оширган шахс билан савдо баённомасига асосан олди-сотди шартномаси тузилади. 2. Объект учун тўловларни тўлаш муддати ва шакллари олди-сотди шартномасида белгиланади.		
5.Савдо ташкилотчиси:	**«REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ Buxoro filiali.** Манзил: 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй. 4-қават. Лицензия RR 0170, e-mail: ***rc.group@inbox.ru***, тел: 8 365 221-59-24.		

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ташкилотлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси мутахассиси Хуснинддин Сайдалиевга волидаи муҳтарамаси

Фотима ая ЖАЛИЛОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -20.00
Topshirildi - 20.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 518 | 20737 nusxada bosildi | 1 3 4 5